




- * Курашчи ўзбек қиз чемпион бўлмоқчи
- * Магистратурада ҳамма ҳам ўқий олиши мумкинми?
- * Тошкент шаҳрида яшамоқчи бўлганларга қулайлик
- * Таомхўрларга қўйилган янги ташҳислар



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 6 Май Шанба. № 36 (14318)

Хавфсизлик – ҳамкорлик асоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1-3 май кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди

Ҳиндистон ҳақида гапирганда, тасаввуримизда, аввало, бу ўлканинг қадим тарихи, бетакрор маданияти, гўзал табиати намойён бўлади. Бу мамлакат тарихи Бобур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқлиги биз учун янада аҳамиятлидир. Зеро, буюк бобокалонимиз Захриддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар бу ерда қудратли, марказлашган давлат барпо этиб, Ҳиндистон тараққиётига улкан ҳисса қўшган.

Айни пайтда бугунги Ҳиндистон ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг аҳоли ва майдон жиҳатидан дунёда энг юқори ўринларда туриши ҳам ёдга тушади. Чунки, бундай кўрсаткичлар мамлакатнинг мавқеини, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини белгилашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги Ҳиндистон - кучли ҳарбий салоҳиятга, ривожланган энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик ва савдо тизимига эга мамлакат. Шу боис икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам манфаатдор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи ана шу алоқаларни янги bosқичга кўтаришга қаратилди.

Қайд этиш жоизки, Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Президенти сифатида хорижга буюрган биринчи ташрифи ҳам Ҳиндистонга бўлган эди.

Ислом Каримов бу галги ташрифи давомида Ҳиндистон Президенти Кочерил Раман Нараянан, вице-президент Кри-

шан Кант, Бош вазир Атал Биҳари Вайпаи, ташқи ишлар вазири Жасвант Сингх, ички ишлар вазири Лал Кришна Адвани ва кўплаб ишбилармонлар билан мулоқотда бўлди. Улар орасида Бош вазир Атал Биҳари Вайпаи билан бўлган яққам-яққа суҳбат ҳамда Ўзбекистон ва Ҳиндистон делегацияларининг музокаралари асосий ўрин тутди. Дехлидаги "Ҳайдаробод" саройида ўтказилган музокараларда минтақавий хавфсизлик, терроризм ва жиноятчиликка қарши кураш, молия, қишлоқ хўжалиги, таълим, божхона, савдо, маданий алоқалар, ахборот алмашув ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Музокараларнинг бош мавзуи минтақавий хавфсизлик масаласи бўлгани бежиз эмас. Негаки, бугунги кунда халқаро терроризм ва экстремизм нафақат Марказий Осиё, балки бошқа минтақалар мамлакатларидаги тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётир. Бундай хавф ва таҳдидга қарши ҳамкорликда курашиш Ҳиндистон учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам долзарб ҳисобланади. Наркобизнес ва террорчилик марказига айланган Афғонистон билан чегарадошлик Ўзбекистон учун катта муаммо бўлса, ҳеч бир халқаро талабларга риоя этмайдиган, дунёга инсон ҳуқуқларини поймол этиши билан танилган "Толибон" ҳаракати ва уни зимдан қўлловчилар Ҳиндистон учун ҳам жиддий бош оғриғи бўлиб турибди.

(Давоми 2-бетда)

Инсон хотираси абадий

Миллатнинг фидойи ўғлонлари озодлик деб ҳаётнинг юзини кўрмай ўтиб кетган.

Фарзандларимизга, аждодлардан мерос бу Ватан мана шундай оғир йўллارни босиб ўтиб озодликка чиққан, -деб уқтиришимиз, истиқлолимиз учун жонидан кечган миллий қаҳрамонларимизни эъзозлашимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

9 МАЙ -- ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



"Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва қаҳрамонликдир", деган эди шаҳидлар шоҳи Шайх Нажмиддин Кубро. Ва бу қаҳрамонликни эъзозлаш ҳам янада ноёб неъматдир. Бугун Президентимизнинг ташаббуси билан бу борада қилинаётган эзгу ишлар миллатнинг қадду бастини, руҳини янада баланд кўтаргай, иншооллоҳ!

Яқин ўтмишдаги беомон кулфатлар ва унинг қурбони бўлганлар ёди шунга ундайдики, токи инсон атрофига доимо очиқ кўз билан қарасин, англаб, тушуниб яшасин! Бундай қабоҳатлар қайтиб ҳеч кимнинг бошига тушмаслиги учун ҳаммиша сергак, курашчан бўлсин! Дориломон кунларнинг, Ватаннинг қадрига етсин!

Билсинки, бу ишлар, бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлиб қолган эмас, уларнинг замирида олам-олам меҳнат-машаққат, ташаббус ва изланиш, жасорат ва саховат мужассам.

Улар Ватан ўғлони эди, Ватан эса уларни унутмади

Махмудхўжа БЕХБУДИЙ:

— Ватан муқаддасдур. Қадрин билмоқ керак. Сотмасга ва ўлгунча айрилмасга керакдур...

— Келар замон учун ҳозирланайлук, ўтган замон учун эмас.

Мунъвар қори АБДУРАШИДХОН ўғли:

— Хуррият берилмас, олинур!
— Жаннат каби гўзал юртинг бугун сандан иш кутади!

Абдулла КОДИРИЙ:

— Темур Кўрагон каби дохийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Фаробий, Улугбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрағувчи, албатта, Тангрининг қаҳрига сазовордир.

Абдурауф ФИТРАТ:

— Ватан — у менинг жону таним, саж-

дагоҳимдур. У менинг тўлин ойим, тинч-омонлигим, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдур...

— Юртим, туроним, сандан айрилмоқ — менинг ўлимим, Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдур.

Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон:

— Туркистон — шонимиз, туронли — унвонимиз,
Ватан — бизим жонимиз, фидо ўлсун

қонимиз!..

— Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг Ватан, Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг, ҳар диёрдан каттакон.

Бу Ватанни жон билан сақлашга, Чўлпон, ҳозир ўл, Кимки қасд қилса анга, кийсин пушаймондин кафан!..

ХАВФСИЗЛИК — ҲАМКОРЛИК АСОСИ

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Музокараларда икки давлат халқаро террорчилик ва диний экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши эканлиги алоҳида таъкидланди. Бундай хавфга қарши халқаро майдондаги хатти-ҳаракатларни, турли ташкилотлар даражасидаги ташаббусларни ўзаро мувофиқлаштириб бормоқ ва ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқ зарур. Бу фикр ташриф давомида имзоланган ҳужжатларда ўз аксини топди.

Шубҳасиз, улар орасида Ислом Каримов ва Атал Бихари Важаи томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги қўшма декларация" муҳим ўрин тутди. Ҳужжат икки давлат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги барча саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган. Жумладан, у савдо, кичик ва ўрта бизнес даражасидаги алоқалар, қўшма корхоналар тузилиши ва фаолият юртиши, транспорт коммуникацияси, фундаментал ва илмий тадқиқотлар, илғор технологияларни жорий этиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Декларациянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этилиши миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизлик талабларига жавоб бериши, Ҳиндистон мазкур минтақанинг бундай мақоми хурмат қилиши ва эътироф этиши алоҳида таъкидланган. Бугунги кунда Ҳиндистон ядро қуролига ва катта ҳарбий салоҳиятга эга эканлигини ҳисобга олсак, бундай эътирофнинг аҳамиятини англаш қийин эмас.

Хавфсизликни таъминлаш йўлида икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг террорчилик, наркобизнесга қарши кураш, бундай жиноятларнинг олдини олиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олгани ҳам эътиборлидир. Бу масала нафақат декларация, балки Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги жинорий ишларда ўзаро ҳуқуқий ёрдам ҳамда экстрадиция (жиноятчиларни топшириш) тўғрисидаги шартномаларда ўз аксини топди.

Божхона қонунчилиги бузилиши ҳолларининг олдини олишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг омили эканлигини инobatга олган ҳолда, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳукуматлари ўртасида божхона идораларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида битим имзоланди. Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси ва Ҳиндистон молия вазирлиги даромадлар департаментининг акцизлар ва божхона масалалари маъмурияти томонидан амалга оширилаётган мазкур битим икки томонлама савдо алоқаларини ривожлантиришга

самарали хизмат қилиши аниқ.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги ахборот алмасув ва оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги билан Ҳиндистон ҳукумати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги /ЎЗА/ билан Ҳиндистоннинг "Пресс Траст оф Индия" ахборот маҳкамаси ўртасидаги ўзаро касбий ҳамкорлик ҳақидаги битим мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги қадим тарихга эга ижтимоий ва маданий алоқаларни янада кенгайтиришга, радио ва телевидение, газета ва журналлар ўртасида бевосита ахборот ва тажриба алмасувини йўлга қўйишга қаратилган.

Мамлакатларимиз иқтисодий-тида қишлоқ хўжалиги катта ўрин тутганини ҳисобга олсак, ҳукуматларимиз ўртасида қишлоқ хўжалиги ва таълим соҳаларида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумнинг имзоланганини бу соҳадаги алоқаларнинг янада кенгайтиришда муҳим кадам бўлди, дейиш мумкин. Бундай ҳамкорлик асосан таълим, тажриба ва мутахассислар алмасиш, маслаҳатлашув, илмий адабиётлар ва услубий қўлланмалар тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида имзоланган кредит битими эса Ҳиндистоннинг Ўзбекистонга навбатдаги кредит маблағларини ажратишини кўзда тутди.

Ўзбекистон-Ҳиндистон иқтисодий алоқаларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга булган учрашув Дехлидаги "Таж Палас" меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Бу ерда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Ҳиндистон саноат конфедерацияси ўртасида ўзаро англашув тўғрисида меморандумга қўл қўйилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов конфедерация вакиллари билан учрашув чоғида мазкур ташкилот иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Ҳиндистон саноат конфедерацияси 1994 йилдан буён мамлакатимиз муассасалари билан яқин алоқада. Ташкилотнинг Тошкентдаги ваколатхонаси икки давлат тадбиркорлари учун фойдали кўргазмалар, учрашув ва музокаралар ташкил этишга, ҳинд ишбилармонларини Ўзбекистон бозори билан таништиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Президент Ислом Каримов конфедерация аъзолари бўлган йирик ҳинд саноатчилари билан бўлган учрашувда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёни, иқтисодий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида сўзлади.

— Бу галги ташриф ўта сама-

рали ўтди, - деди жумладан Ислом Каримов. - Ҳиндистон раҳбарияти билан барча соҳаларда ва айниқса хавфсизлик масалаларида қарашларимиз муштарак эканига амин бўлдик. Хавфсизлик эса ҳамкорликнинг жумладан, иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим шартидир.

Юртбошимиз мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмасининг бугунги ҳажми икки томонни ҳам қониқтирмаслигини таъкидлаб, мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш учун Ўзбекистонда Ҳиндистон банклари фаолиятини йўлга қўйиш, шерикликда ишлаётган тадбиркорлар ҳуқуқларини молиявий жиҳатдан ҳимоялаш учун қўшма суғурта компанияси ташкил этиш, транспорт коммуникацияси масаласини ҳал этиш зарурлигини уқтирди.

Мулоқот жуда самарали бўлгани ва Ҳиндистон ишбилармонларининг мамлакатимизга қизиқиши ортганини шундан ҳам билиш мумкинки, у белгиланганидан икки карра кўпроқ вақт давом этди.

Ташриф якунларига кўра ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон раҳбари мазкур сафар чоғида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон-Ҳиндистон алоқаларини янги асрда янги босқичга кўтариладиган чинакам ҳуқуқий асосга айланишига ишонч билдирди. Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, хавфсизлик, хусусан, Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар музокара иштирокчиларининг алоҳида диққат марказида турганини айтди.

Сафар олдидан берган интервьюсида Юртбошимиз таъкидлаган эдики, Ҳиндистонга бориб буюк аждодларимиз бунёд этган обидаларни кўрмай қайтиш мумкин эмас. Ташриф дастуридан Агра шаҳрида Бобурийлар сулоласи вакили Шоҳжаҳон томонидан барпо этилган "Тож Махал" мажмуининг зиёрати ҳам ўрин олган эди. Шарқ меъморлигининг ноёб анъаналарини мужассам этиб, муҳаббатга қўйилган абадий ёдгорлик сифатида бунёд этилган бу мажмуа бобокалонларимиз даҳосининг улкан ифодасидир. Юртбошимиз аждодларимиз қабрларини зиёрат қилиб, дунёнинг етти мўъжизасидан бири саналган бу иншоотнинг тарихи, меъморий ечими, ўзига хосликлари билан қизиқди.

— Бундай жойларда бўлганда ҳар бир ўзбек, ҳар бир ўзбекистонлик буюк аждодларимизга эҳтиром, жўшқин миллий гурур туйғусини ҳис этади, уларнинг кудрати ва меросига таҳсин айтади, - деди Ислом Каримов. - Бундай мўъжизавий тарихий бинолар юртимизда ҳам кўп. Уларни яратган халқимиз ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Бехзод Усмон,
ЎЗА махсус муҳбири.
Тошкент-Дехли-
Агра-Тошкент**

Биз ниҳоят Оллоҳнинг ирода-си билан мустақилликка эришдик. Бир неча ўн йиллар бизни тутқунликка маҳкум этган истибдод занжирлари парчаланиб кетди. Ватанимиз хур ва озод бўлди. Бугунги кунда жамиятимизнинг ҳар бир онгли аъзоси ўз Ватани, тарихи, миллати ва дунёга бергусиз буюк аждодлари билан чексиз фахр туйғуларини ҳис қилиб яшамокда.

Биз янги авлод ота-боболаримиз тақдирини, уларнинг орзумидлари, жасоратлари ва фожалари ҳақида билишни истаймиз. Шу сабаб ҳозир биз тарихимизнинг қарийб 70 йилдан зиёд кўпчилик назаридан четда бўлиб келган саҳифаларини

кўрганлар. Улар мактаб-маориф соҳасида катта ислохотлар бошлаб "усули савия" мактабларини очганлар. Бу мактабларда диний илмлар, жўрофия, тарихи ислом, ҳисоб ва бошқа дунёвий илмлар билан бир қаторда ахлоқ, ҳамият, виждон, дин-диён, собитлик ва сабр ҳақидаги инсоний билимларни ўрганиш ҳам кенг йўлга қўйилган эди.

Туркистонда усули жадид мактабларининг очилганидан ким манфаатдор эди?! Албатта маҳаллий, ерли аҳоли. Миллатнинг маърифати учун ким қайғурар эди?! Миллатнинг бадавлат кишиларими?! Ёки дин аҳли-ю, қадимги уламоларми? Шубҳасизки миллат дардига миллат-

МОЗИЙ ИШИ ХАЙРЛИ

ўрганилми.

Мен ўша даврлар ҳақидаги тарихий ҳужжатлар ва тарихий ҳақиқатлар билан танишар эканман, шундай фикрга келдим. Тарихий тақдирнинг энг оғир синовлари кўпроқ халқнинг улуғ фарзандлари бошига тушар экан. Жаҳон маданияти бешигини тебратган мамлакатимиз тарихида бир неча бор хорижий босқинчилар оёғи остида топталди. Лекин шунга қарамадан Ватанимиз жаҳонга буюк олимларни етказиб бераверди.

Асримиз бошлари... оғир аҳволда қолган халқимиз, миллатимиз ярасига қандай малҳам қўймоқ керак? Бу ҳақда маърифатпарвар жадид зиёлиси Махмудхўжа Бехбудий: "Энди бизга икки ишдан бир қолур: яъни алардек замонга илм ва ҳунарларига ёпишмоқ ва ёинки борлик нарсаларимизни ҳам қўлдан бериб, тўй, маърака ва беҳудаликларга сарф этиб, аларга хизматкор бўлмоқ..." деб огоҳлантиради.

Ўз сиёсий манфаатларига эришиш учун жадидлар Ўрта Осиёда узоқ давом этган маданий ва ижтимоий инқирозни тўхтатиб қолиш ва жамият тараққиётини янги йўналишга солиш мақсадида маориф, тарихни ўрганиш, адабиёт, матбуот, дин, санъат соҳаларида бир қатор ислохотлар ўтказиш гоёси билан сиёсат майдонига чиқдилар. Улар ахлоқ-одоб, эътиқод, адлия, соғлиқни сақлаш соҳаларини қайта кўриб чиқиш ва мукаммаллаштириш, хотин-қизлар аҳволини, ижтимоий-маданий турмушининг барча жабҳаларини яхшилаш тақдирларини ўртага ташладилар. Бир неча ўн йиллаб давом этган чоризм истибдоди шароитида миллатимиз орасидан етишиб чиққан маърифатпарварлар халқ бошига тушган кулфатларнинг бош сабаби жаҳолат деб билганлар. Жадидлар жаҳолат ва хурофотдан қутулишнинг ягона йўлини илмга ва маърифатга интилишда

нинг зиёлилари дармон бўлгусидир.

Жадид гоёларининг биз ёшлар учун аҳамиятли жойи шу ердаки бидъат ва хурофотга берилмасдан ҳақиқатни илм ва маърифатдан излашга бўлган даъватдир. Ўша даврларда ҳам бидъат ва хурофотдан ўзга ҳеч нарсани билмай ўзларини аҳли илм деб санаб юрган қадимги уламолар илми, маърифатли кишилардан хавфсизраганлар, улар динга, унинг муқаддас таълимотига шак келтирувчи ҳар қандай тубанликдан ҳам қайтмаганлар. Аксинча эркин, хур фикрли кишиларни "кофир" деб атаганлар ва уларни таъқиб остига олганлар.

Афсуски асримиз бошларидаги хур фикрли кишилар шу тарихи диний мафкура ва ҳукмрон синфнинг қурбонига айланганлар. Давр ва замонлар ўтди, истибдод занжирлари парчаланди, мустабид тузум емирилди. Халқ яна ўзининг миллий ўзлигини, йўқотилган қадриятларини тиклай бошлади. Жадидларнинг умуммиллий гоёлари эса давлатимиз мустақилликка эришгач янги улғувор гоёларга тутатиб кетди.

Мустақиллик, миллий истиқлол гоёлари билан суғорилган жадид асарлари бугунги кунда миллий маънавиятимиз тарихда алоҳида ўрин олиб биз ёшлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қила олади.

Биз ёшлар ватанимиз тарихи ва миллатимиз тақдирини ўрганиб, келажагимиз учун пойдевор яратамиз ва бу йўлда собитқадамлик билан олға бораверамиз. Зеро буюк адимимиз айтганларидек: "Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрли"дир.

**Нилуфар МИРСАИДОВА,
"Шахидлар хотираси"
хайрия жамғармаси
Ахборот ва халқаро
алоқалар бўлими
етакчи мутахассиси**

МИЛЛАТ ШАЪНИ

Хотира ва Қадрлаш куни олдидан Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшган маърифатпарвар олим Фулом Зафарий хотирасига бағишлаб театрлаштирилган кеча ўтказилди. - Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок қадриятларимиз, анъаналаримиз янги мазмун ва маъно касб эта бошлади, - деди "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов. Номлари унутилаёзган, тазйиққа учраган юзлаб буюк сиймоларимиз номлари абадийлаштирилмоқда. Шундайлардан бири шахид кетган Фулом Зафарийдир. У ўзининг ёқимли ва мумтоз куйлари, драматик асарлари билан мусиқа санъатимизга муносиб ҳисса қўшди.

— Миллатимизнинг шаънини кўқларга кўтаришга, ўзбек халқининг маънавий кудратини юксалтиришга интилган, шу йўлда ҳатто жонини қурбон қилган, мард, жасур, маърифатпарвар аждодларимиз номини тиклаш, уларни эъзозлаш, қадрига етиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир, - деди "Шахидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси Наим Каримов. Ушбу кечани ўтказишдан асосий мақсад, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳар бир ишда аждодларимиздан ўрнак олишларига даъват этишдан иборатдир.

"Туркистон-пресс"

Яна бир неча кундан кейин мамлакатимизда 9 Май - Хотира ва кадрлаш куни кенг нишонланади. Мазкур сана арафасида ЎЗА мубири Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгаши раиси Э.Боқибоев билан суҳбатлашди.

— Президентимиз Ислон Каримовнинг Фармони билан 9 Майнинг - Хотира ва кадрлаш куни деб эълон қилиниши биз, фахрийларнинг ҳам кўнгилмиздаги иш бўлди, - деди Эркин Жўраевич. - Фармонда Хотира ва кадрлаш кунининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланишини таъминлаш бар-

киллари мунтазам равишда моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ўзининг инсонпарварлик бурчи деб билади. Бугунги кунда республикада истиқомат қилаётган фахрийлар орасида 59 минг 300 уруш қатнашчиси бор. Шулардан 34 минг нафари уруш ногирони, 400 мингдан зиёди эса фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, фашизм устидан қозонилган Ғалабага ҳисса қўшган мўтабар нуронийлардир. Урушда ҳалок бўлган жангчи оилалари эса саккиз мингга яқин.

Биз республика "Маҳалла" ва "Қамолот" жамғармалари, Мудофаа ва Ижтимоий таъми-

этилган Хотира майдонлари атрофини ободонлаштириб, гул ва манзарали дарахт кўчталари ўтқазилган ҳам фаол қатнашмоқда.

— Фахрийларга берилётган имтиёзлар, умуман кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Албатта, фахрийларимиз ҳаёти Президентимиз, ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чоратadbирлар Дастури тўғриси-

9 Май - Хотира ва кадрлаш куни

Шуни таъкидлаш керакки, Тошкент шаҳрида уруш ва меҳнат фахрийлари учун барча қулайликларга эга бўлган 150 ўринли замонавий "Нуроний" шифохонаси фойдаланишга топширилди. Шу кунгача бу ерда мингдан зиёд фахрий даволанди.

Ўтган вақт мобайнида жамғарма ва унинг вилоятлардаги бўлимлари томонидан уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда ёлғиз кексаларга жами 7,3 миллион сўмлик моддий ёрдам, қимматли совғалар ва турли озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

— Эркин Жўраевич, ёшлар тарбияси ҳамон долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Фахрийларнинг бу муҳим ишга қўшаётган хиссаси ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Жангчи юрдошларимизнинг ўлмас жасорати, шак-шубҳасиз, ўсиб келаётган ёш авлодни мустақил Ўзбекистонимизнинг муносиб фарзандлари, истиқлолимизнинг шавкатли ҳимоячилари этиб тарбиялашда катта мактаб, ватанпарварликнинг ҳақиқий намунаси бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда ёшларни она Ватанга, халқимизга, истиқлол ишига чексиз садоқат, буюк келаётган учун курашчанлик руҳида тарбиялашда нуроний отахон ва онахонларимизнинг ҳаётий билим ва тажрибалари ҳам жуда қўл келмоқда. Фахрийларимиз Ватан мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, таянчимиз ва умидимиз, эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодни иймонли ва эътиқодли этиб тарбиялашдек ҳайрли ишларда жонбозлик кўрсатишмоқда. Шу сабабли ҳам биз уруш ва меҳнат фахрийларининг ёшлар билан ўтқазиладиган учрашув ва суҳбатлари ҳамда мунозараларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бундай муҳим тадбирларнинг тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Суҳбатдош:
Т.Ботирбеков,
Ўза мубири

ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ РАМЗИ

ча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, идора ва корхоналарнинг биринчи галдаги вазифаси, деб белгиланган. Айни пайтда ҳужжатда бу табаррук кунда фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, бор куч-қувватини аямаган бирор бир фахрий, бирор бир киши унутилмаслиги кераклиги, уларнинг ҳар бирига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши шартлиги таъкидланган.

Жамғармаимиз барча фахрийларни, айниқса уруш қатнашчилари ва ногиронларини эъзозлаш, улар теварагида эҳтиромли муҳитни вужудга келтиришни, кекса авлод ва-

нот вазирликлари, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти билан ҳамкорликда Хотира ва кадрлаш куни билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқдик.

Умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтқазилган боғлиқ барча ишларда фахрийларимизнинг ўзлари кўпчиликлари ибрат бўлишарди. Байрам арафасида жамғарма вилоят, шаҳар ва туман бўлимларининг фаоллари жойлардаги мавжуд ёдгорликлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, шон-шухрат уйлари ва хиёбонларни тартибга келтириш каби ишларда жонбозлик кўрсатмоқда. Улар вилоят марказларида янги бунёд

да"ги қарори фикримизнинг ёрқин исботидир. Шунингдек, ҳукуматимизнинг яқинда эълон қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги қарорида умумхалқ байрами - 9 Май Хотира ва кадрлаш куни ўтқазилиши ҳамда Ғалабанинг 55 йиллиги муносабати билан уруш иштирокчиларини моддий рағбатлантириш кўзда тутилган.

Пенсия миқдори мунтазам равишда оширилиб, у ўз вақтида тўланилаётгани, ижтимоий-маиший масалалар бўйича яратилган қўллаб-қўрғаш кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин далили, албатта.

Байрам арафасида ижтимоий таъминот вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари билан ҳамкорликда ногирон ва ёлғиз фахрийларнинг уйларига бориб, уларнинг ҳолидан хабар олинмоқда, мурувват ёрдами кўрсатилмоқда.

Аём кунлари эса Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳалларнинг оқсоқоллари билан биргаликда жойларда фахрийларга байрам дастурхони ташкил этиб, уларга эсдалик совғаларини топшириш маросимларини ўтқазилган ҳам режалаштирилган.

БИР УМРЛИК ЮМУШ

Инсон умри ташвиш, югуриш ва юмушлар билан қоришиб ўтади. Лекин бир юмуш борки, унинг ҳеч қачон эртаси ҳам, бугуни ҳам бўлмайдими. У тириклик билан узвий равишда давом этаверади. Бу — ёшлар тарбиясидир.

Тарбиянинг турли усуллари бор. Ҳар бир ота-она ўз фарзандига эътибор қаратишни, уни етук инсон бўлиб вояга етишини истайди. Лекин тарбиянинг ота-онага боғлиқ бўлмаган томонлари ҳам бор. Бу маҳалла, ўқув даргоҳи ва боланинг бўш вақтларини қандай ўтказишига боғлиқ.

Тарбия — авлод дегани. Авлодларни тарбияли инсонлар тарбиялаш лозим деган сўзларни ҳар бир оиланинг шиорига айлантириш керакки, бу ўзининг фақат эзгу натижасини беради.

Самарқанд меъморчилик ва қурилиш институтида Ёшлар клубларини тузиш ва уларнинг фаолиятини шакллантиришга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ҳар хил фикрлар, таклифлар, эътирозлар айтилди.

Собир БОБОЕВ — Самарқанд меъморчилик институтининг ректори:

— Тарбия иши ҳеч қачон кечикмайди ва тугамайди. Авлодлар келиб-кетавари, тарбиялаш санъати авлодлар билан қайта-қайта шаклланаверади. Бежиз тарбияни санъат демадим. Тарбиянинг турли кўринишларини фарзандларни онгига сингдириб бориш учун ҳар бир ота-она ҳам актёрдай бўлиши керак. Токи, унинг тарбиясини олган фарзанд яхши-ёмонни, нима керагу, нима ортиқчилигини ажрата билсин. Институтида 14

та турли клублар ишлаб турибди. Табиийки, уларнинг аъзолари талабаларимиз. Институтида безак ишлари, ҳовлилардаги ўрнатилган ҳайкаллар, ёдгорликларда талабаларнинг қўл излари бор. Клублар тузишдан мақсад — талаба ўзи истаган,

бир таклифим борки, бу ҳақда тегишли раҳбарлар жиддийроқ ўйлаб кўришса яхши бўларди. Институти, коллежлар шаҳарнинг гавжум жойларида жойлашган. У ерда ҳамма шароитлар бор: бино, сув, газ, свет... қўллаб-қўрғаш ижарага

биргаликда фаолият кўрсатса бўлмайди?

Рустам МИНУЛИН, Самарқанд тиббиёт коллежи ўқитувчиси:

— Болалар тарбиясида ташқаридан бўладиган воқеаларнинг, ҳодисаларнинг таъсири жуда катта бўлмоқда. Аниқ мисоллар келтираман. Кечки дискотекалар, хусусий ошхоналар ишини кўрайлик. Дискотекаларда қизлар учун кириш бепул. Бу нима дегани. Қизларни жалб этишми? Ёки хусусий ошхоналардаги алоҳида-алоҳида хоналар-чи? Истасангиз икки кишилик, истасангиз... У ерда нима ичилади, нима тановул қилинади... бу номаълум. Овқатдан кейин нима билан машғул бўлсангиз ҳам ошхона эгаларига қизиги йўқ. Пулни тўласангиз бас. Нима учун солиқ, орган ходимлари мана шундайлардан фақат солиқ ундиришгагина қизиқишади? Уларни инсоннинг маънавияти қизиқтирмайди. Ахир милицияда ҳам ёшлар тарбияси билан шуғулланадиган шахслар борку. Бизлар фақат ўқув даргоҳида, ўзимиз яшайдиган маҳаллардагина ўз таъсиримизни ўтқазимиз мумкин. Лекин ташқаридан ҳолатларга аралашшга имкониятимиз йўқ. Аралашсак ҳам ҳужжат сўрашади. Бу гапларимни тегишли шахслар жиддий ўйлайдиган ҳолат деб биламан.

Фахриддин ХОЛИҚОВ, Самарқанд кишлоқ ҳўжалиги институти "Қамолот" ёшлар жамғармаси раиси:

— Мен яқинда Тошкентда-

ги Ёшлар муаммолари институтида бўлдим. У ерда Самарқанд меъморчилик-қурилиш институти ёшлар етакчиси Ҳакимжон Бўриевнинг ишлари ўрганилганда ибратли деб топилди. Бу бизни мамнун қилди. Лекин мен бошқа томонга эътиборни қаратмоқчиман. Майли, ҳар бир институтларда Ёшлар клублари бор дейлик. Лекин, гап уларнинг қандай фаолият кўрсатаётганидан, қандай самара бераётганидан деб биламан. Мен институтида ўқиб юрганымда шахримиздаги болалар уйларига тез-тез бориб турардим. Шунчаки эмас. Ўша йиллари ҳар бир талаба имкониятига қараб бир болани оталиққа олганди. Бўш вақтларида болалар уйларидаги боланинг ёнида бўларди. Комилжон деган бола билан ҳалигача борди-келдимиз бор. У ҳозир ишлаяпти. Уни ўз укамдек кўраман. Чунки, ўша болани ёшлигидан биламан. Ахир ҳар бир талаба бўлажак ота, она. Нима қипти битта ўксик қалбининг яроҳатларига далда бўлса. Болага эътиборни, парваришни ёшлигидан ўрганиб борса. Менимча, ана шундай анъаналарни тиклаш керак. Бу ҳеч қачон эскирмайдиган анъана.

Бахс-мунозарани яна келтириш мумкин. Лекин айтиш мумкинки, йиғилиш самарасиз бўлмади. Аниқ таклифлар айтилди. Амалий таклифларнинг ҳар бирини ҳаётга тадбиқ этилса, ўзининг яхши куртакларини бериши аниқ.

Таклифнигина эмас, уни амалга оширишни ҳам уйдасидан чиқа олсак, ўшаларга балли.

Гули ЧЕХРА,
Самарқанд



кўнглига ёққан касбни янада чуқурроқ ўзлаштириб олишга имкон берадиган қобилиятини намоён этсин, билимини, талантини янада шакллантирсин.

Собир ЗОХИДОВ, Самарқанд озиқ-овқат техникуми ўқитувчиси:

— Бозор иқтисодиёти шароитида биз истасак-истамасак ҳам талабалар пул топишга ҳаракат қилишади. Бу бир томондан яхши ҳам. У ўз эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилади. Талабанинг ҳам ҳаражати жуда кўп. Ота-онаси қай бирига пул беради. Сир эмаски, кўп тадбиркорлар ишлаши учун зарур бўлган бино, шароитдан қийналишади. Менинг

бино олиб фаолият кўрсатишади. Демокчиманки, институти, коллежларда бўш турган хоналардан оқилона фойдаланиш зарур. Энг асосийси, тадбиркорлик учун мутахассислик ҳам етарли. Ҳар бир ўқув даргоҳларида талабалар пул ишлаши учун имконият бўлади. Нима учун озиқ-овқат техникуми базасида қандолатчилик, кондиционерлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин эмас? Ёки тиббиёт институти талабалари уй ҳамширалари, поликлиникаларда кўмакчи ҳамшира бўлиши мумкин эмас. Ёлғизлар ҳолидан хабар олиш учун махсус гуруҳлар тузилиб, ижтимоий таъминот ходимлари билан

6-9 май кунлари Россиянинг Тверь шаҳри дунё ўсмирларини ўзбек кураши бўйича тарихий биринчи Жаҳон чемпионатида беллашиш учун чорлайди. Мазкур нуфузли мусобақада кураш ватани вакиллари 4 вазн тоифасидаги ўғил болалар Н.Хўжабоев, Х.Куртов, О.Равшанов, Ф.Маматов ҳамда 2 вазн бўйича Барчиной издошлари Дилшода

кистон чемпиони.

— Илк бор спортнинг қайси турига ва ким сабаб ошно бўлгансиз?

— Ёш болалик пайтимданок спортга бўлган меҳрим ўзгача. Мактаб остонасига қадам қўйган кезларимда ҳам жисмоний тарбия дарсларини орзиқиб кутардим. Акам Ахрор кураш залига мунтазам қатнардим. Унга эрга-

осон бўлса керакки, сизга омад кулиб боқибди?

— Тўғри, бу икки яккакураш усуллари бир-бирига жуда ўхшаш. Лекин асосийси, мен ўзбек қизиман, ўз спортимизни билмаслик уят, деб биламан.

Жиззахдаги саралаш баҳси кийинроқ кечди. Чунки ўз оғирлик вазнимдан 6-7 килограмм оғирроқ дугоналаримга рўбарў бўлдим. Финал учрашувида қаш-

ПОЛДВОН ҚИЗ



шиб, машғулотлар ўтиш жараёнини томоша қилишга бориб, Тўмарис момомиздек, жасур, абжир ва паҳлавон бўлиш орзуси қалбимда гунча очган эди. Шу ниятда 1996 йилдан бошлаб маҳалламиздаги мактабнинг спорт тўғарагига боришни одат қилдим. У ерда дзюдо сирларини Қаландар Алланазаровдан кунт билан ўрганиб келмокдаман.

— Эришган муваффақиятларингиз ҳақида тўхталсангиз...

— 1997 йилдан 1999 йилгача Самарқандда дзюдо бўйича ўтказил-

ган ўсмирларнинг республика биринчиликларида бронза медал соҳибаси бўлиш насиб этди. Олтин медалга бўлган иштиёқу иродамни бир жойга тўпладим. Ушбу олий мақсадни жаҳон тан олган ўзбек кураши орқали амалга ошишига ишониб Жиззахдаги мамлакат биринчилигида омадимни синаб кўрдим. Ниҳоят орзум ушалди.

— Дзюдоцига кураш қонунқоидаларини ўзлаштириш

қадарлик Элвира асосий рақибим бўлди. Унинг елкасини ерга теккизиш осон бўлмади. Беллашув 3 минут давом этди. Ниҳоят, ундан "ҳалол" баҳо билан устун келдим. Шундан сўнг, ҳалолликка асосланган ўзбек курашининг устун жиҳатларига тан бердим.

— Эришган муваффақиятларингиз ҳақида тўхталсангиз...

— 1997 йилдан 1999 йилгача Самарқандда дзюдо бўйича ўтказил-

қан қадарлик Элвира асосий рақибим бўлди. Унинг елкасини ерга теккизиш осон бўлмади. Беллашув 3 минут давом этди. Ниҳоят, ундан "ҳалол" баҳо билан устун келдим. Шундан сўнг, ҳалолликка асосланган ўзбек курашининг устун жиҳатларига тан бердим.

— Эришган муваффақиятларингиз ҳақида тўхталсангиз...

— Буни мен тарихдан беҳабарлик деб биламан. Ахир аёл боши билан алп йигитлардан қолишмай жасорат, мардлик ва паҳлавонликда донг қозонган Тўмарис, Барчиной каби момоларимиз издошлари бўлиш ёмонми? Паҳлавон қизларнинг томирларида уларнинг қони оқаётир. Аждодлар кўрсатган жасорат ва матонат доимо ёш авлодга ҳамроҳ бўлади. Насиб бўлса, жаҳон чемпионатида буни исботлашга ҳаракат қиламан.

Тверга тайёргарлик машғулотларини олиб борган терма жамоамиз бош мураббийи спорт устаси Мурод Дўсимбетовнинг эътирофича, ёш полволаримизга Россия, Франция, Япония, Грузия, Қозғистон каби мамлакат вакиллари жиддий рақиб саналади.

Гулноз КУРБОНМУРОДОВА

Қазратова, Гулмира Жамоловалар ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилиш мақсадида Тверга йўл олишди.

Сафар арафасида паҳлавон қиз Дилшода билан мулоқотда бўлди.

Дилшода ҚАЗРАТОВА — 1984 йил 27 ноябрда Қашқадарё вилояти, Яққабғ туманида таваллуд топган. Оилада 9 нафар (4 ўғил, 5 қиз) фарзанднинг бешинчиси. Вазни 57 килограмм. Ўзбек

2000 йил — "Соғлом авлод йили"

Эрталабки ширин уйқудан уйғонган бола "Боғчага бормайман", деб ҳархаша қилади. Табиийки, бу асабингизга тегади. Алдайсиз, конфет берасиз, хуллас амаллаб кўндирасиз, бироқ кўнглингизнинг бир чети гаш. Болакайларни бездирган нарса эрта туриш эмас, балки боғчадаги муҳит. Болага меҳр кўрсатилмадими, демак унга ўйинчоқлик кошона ҳам бегона. Бир оғиз ширин сўз барча-



БУГУННИНГ БОЛАСИ

ни хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин бир зумда ўзига бўйсундиради.

Акмал Икромов туманидаги 388-болалар боғчасида манзара умуман бошқача. Чунки бу ерда болажонларнинг хоҳиш-

истакларига хос шароит яратилган. Бу ерда 310 га яқин турли миллат болалари мактабга тайёрланади. Ўзбек тилидан ташқари энг яхши тарбиячи-мутахассислар болаларга

инглиз тили бўйича ҳам дарс олиб боришади.

Болалик даври ўйини билан қизиқ. Бу вақтни ҳеч қандай бола бой бергиси келмайди. Боғчада ташкил этилган алоҳида махсус спорт хонасида болалар ҳар хил спорт ўйинларини ўйнашади.

— Уларнинг завқланиши бизнинг ютуғимиз, дейди боғча мудираси Дилбар Каримбекова. — Чунки, камдан-кам болалар боғчани хушлашади. Бизда эса бугуннинг шўх, зукко болалари тарбияланади.

Бола бошдан, деганларидек, унинг ўсиб-улғайиши, соғлом камол топишида боғчалардаги муҳит унинг келажагига асос бўлади. Зеро, соғлом муҳитдан зукко авлод тарбия топгусидир.



Талаба талаб қўяди

МАГИСТРАТУРАГА ЛОЙИҚМИСИЗ?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида Юртбошимиз И.А.Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг қабул қилиниши ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб тайёрлашнинг асоси бўлди. Дастурда таъкидланиб айтилганидек, олий таълим тизими бакалаврлик ва магистратурага бўлинади.

Магистратура латинча сўз бўлиб "бошловчи" маъносини билдиради.

"Магистратура аниқ мутахассислик бўйича олий касбий таълим бўлиб, бакалаврлик негизидеги икки йил давом этади. Ундаги тахсил якуний квалификация-он давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан якунланади," - деб кўрсатилади дастурда.

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, магистратура йўналиши бўйича таълим оловчи ёшлар изланувчан, янгилик яратувчи бўлишлари зарур.

Хорижда магистратурага киришни хоҳловчи талаба маълум йиллик иш стажига эга бўлиши, фанга ёки ишлаб чиқаришга тегишли бирорта янгилик киритган бўлиши шарт. Акс ҳолда магистратурага қабул қилинмайди.

Бизда эса магистратурага кириб, ўқиш узлуксиз бакалаврдан

кейин давом этади. Бу эса бизнинг талабаларга анча енгилликдир. Хоҳлардимки, бизда ҳам магистратурага кирувчи талабалар янгилик яратишса...

Магистрлик диссертацияси талабанинг қай даражада билимли эканини баҳолайди. Унда фикрлар мантиқан боғлиқ бўлиши шарт. Диссертацияда олиб борилган ҳар бир тадқиқот натижалари технологик чизмалар, ишнинг келажақдаги иқтисодий самарадорлиги ва экологик талабларга жавоб бериши каби томонлари ёритилиб борилиши керак. Магистр танлаган мавзулари асосида унинг мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларнинг долзарблиги ва ютуқлари ҳақида тўла очиб беришлари лозим.

Шу билан бирга ҳар бир магистрларимиз бирорта хорижий тилни, компьютерда эркин дастур тузишни билишлари муҳимдир. Чунки, магистрларнинг мукамал билим олишлари хориждаги тенгдошлари билан мулоқот қилишда ва фикр алмашишга, чет элдаги бўлаётган технологик ўзгаришларни ўз вақтида билишга имкон беради.

Шундагина магистратура ёшларни пухта билим олишга, янгиликлар яратишга ва илмий рақобатга чорлайди.

Толиб ТўРАЕВ,
Тошкент Кимё-технология
институтининг магистранти

ОРЗУИМИЗ

Бошқа ўқув юр்தларини билмадимиз, бизнинг техника йўналишларидаги олий ўқув юр்தлари учун адабиётларни рус тилидагисини кўпроқ ўқишимиз шарт. Бир қарашда чет эл адабиётларини ўқиш, фойдаланиш яхши-ю, масаланинг иккинчи томонида кўпроқ эътибор беришларини сўрардим. Техника олий ўқув юр்தлари учун дарсликлар кўп, аммо уларнинг таржимаси ёки бериладиган маълумотнинг ҳажми кичиклигидан домлаларимизнинг нолигани учун камроқ ўқиймиз. Шунингдек домлага ёқиш учун у айтган айнан "Иванов, Петров"нинг китобларини олиб юрибмиз. Мисол учун "Қурилиш меъёрлари ва қоидалари" (КМК)даги таржиманинг ноаниқлиги. Рус тилидан ўзбекчага ўғирилган китобларнинг айнан шу маъносини бермас эмиш. Мисол учун, "я чейственный" — шуба, "элемент" — унсур ва шу қабилар.

Қачон таржималари айнан ўз маъносини топадиган, маълумотлари кенг, қайсидир маънода домлаларимиз таъбиға ёқадиган китоблар яратиларкин?

Хурматли "Туркистон" ижодкорлари, ушбу фикрим рўзнома саҳифаларида чоп этилишини жуда-жуда хоҳлардим. Чунки мен ва мен каби талабаларнинг орзуси бу.

Жамшидбек СУЛАЙМОНОВ,
Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноати технологияси
олийгоҳининг III-босқич толиби

"Буюклигинг унутма, аёл!"

"Камолот" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ҳузурда "XXI аср аёли" деб номланган марказ иш бошлади. Унинг дастлабки машғулоти "Буюклигинг унутма, аёл!" шиори остида ўтказилди. Унда аёлларнинг жамиятдаги ўрни, ке-

лажагимиз пойдевори - ёш авлодни тарбиялашда, "Соғлом авлод" давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишдаги вазифалари хусусида гап борди.

А.Искандаров,
ЎЗА муҳбири

ФРАНЦУЗ МАТБУОТИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултетида Франция матбуотига бағишланган кўргазма очилди. У Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Франция матбуоти дунёда 22, Европада эса 7-ўринни эгаллайди. Мамлакатдаги даврий нашрлар сони 3 мингдан ортиқдир. "Монд", "Либерасьон", "Фигаро" каби газеталар нафақат Францияда, балки дунёда улкан нуфузга эга. "Нувель Обсерватор", "Экспресс", "Пуэн", "Пари матч", "Эвнеман дю Жеди" ҳафталикларининг жамият ҳаётидаги ўрни беқиёс. Бу ерда ўнлаб ихтисослашган нашрлар чоп этилади. Айни пайтда мамлакатда ҳар минг кишига 157 дона вақтли матбуот маҳсулоти тўғри келади. Францияда жами 248 та журнал чоп этилади. Улардан 15 таси автомобилга, 6 таси мотоциклга, 9 таси фотография ва кинога, 20 таси кулинария, туризм ва саёҳатга, 7 таси илм-фанга, 6 таси мусиқага, 20 таси информатикага, 40 таси спортга, 11 таси адабиёт ва тарихга, 23 таси уй ва боғдорчиликка, 11 таси овчиликка, 80 таси болалар ва ёшларга бағишлангандир.

"Франс Пресс" эса жаҳондаги энг йирик ахборот маҳкамалари сирасига қиради. Айни пайтда хорижда унинг 1500 га яқин ваколатхонаси бор. 165 давлатда агентликнинг 2000 муҳбири фаолият кўрсатади. Агентлик қунига олти тилда 2 миллион сўз миқдоридан ахборот ҳамда йилига 70 минг фотосурат тарқатади.

Кўргазма 12 майгача давом этади.

Ж.ТўРАХОНОВ,
А.ИЛҲОМОВА

Соғлом авлод йили

"Агар чанг ва губор бўлмаганида одам минг йил умр кўрарди!" деган экан буюк ҳаким ибн Сино. Эндиликда биз нафас олиб турган ҳавони заҳарлаётган чанг-губор, турли газ ва чиқиндилар соғлигимизга тобора хавф солаётир. Экологик муаммолар асосий ўринга чиқиб қолаётгани — ҳақиқат. Аммо яна бир ҳақиқатни эътироф этиш жоиздир. Атрофимизда бизга ҳавони тозалаб бергувчи, кучимизга куч қўшиб, умримизни узайтирувчи беминнат ҳимоячи бор. Бу — яшил табиат! Бордию биз ана шу ҳимоячимизни қадрлаб асрасак, ўз ҳаётимизни қадрлаган, асраган бўламиз.

шани! Хуллас, ўша йилларда боғлардаги қуриган-қуримаган дарахтларнинг барчаси қирқилиб кетди. Эҳ-ҳе, боғ дегани нима бўпти, боғчаю-мактаблар ҳовлиларига, ҳатто одамларнинг томорқалари ўрнига пахта экиларди-ку ўшанда.

Боғбон буванинг айтишига кўра, боғларнинг қисқариб кетишига пахтадан бошқа сабаб ҳам бўлган. Яъни, мевачилик, узумчилик туманлари, хўжаликлари ташкил этила бошлагач, колхоз боғларига эътибор сусайган. Қишлоқлардаги боғлардан мева-чева йиғиб. маълум қисмини колхозга топширишга энди ҳожат қолмаган. Шу боис боғлар эгасиз қолаверган. Лекин, чуқурроқ ўйлаб қаралса, ҳамма гап юқоридан белгилаб бериладиган режалардами? Ахир, одамлар-чи?

ИНСОН МИНГ ЙИЛ ЯШАЙДИ, ҚАЧОНКИ...



Олимларнинг таъкидлашларича, ёнғок дарахти микроклимни яхшилаб, ҳаводаги жами микробларни қиради. Тоғ минтақаларида нураш (эрозия)нинг олдини олади. Меваси эса минг бир дардга даво бўлиб, тўйимлилиги жиҳатдан нондан уч марта, сутдан ўн марта юқори туради! Қарийб юз йил умр кўрувчи чилон жийда илдизидан қадимда жигар, буйрак, ичак касалликларини даволашда кенг фойдаланилган. Манбаларда ёзилишича, жийда меваси бодни тузатади, мия фаолиятини яхшилайдди, камқувватликка барҳам бериб, меъда ишини меъёрлаштиради.

Болалик кезларимизда ҳовлимиз яқинида катта жийдазор бор эди. Чилон жийда, қуш жийда, жайдари, читтак жийда! Гулга кирганида ҳиди бутун қишлоқни тугтиб кетарди. Меваси пишганида дўппиларимизни тўлдириб, бир-биримизни "сийлардик". Бугунги кунда бир ҳовуч жийда топиш учун бозорни хўб оралаш керак бўлади. Фарзандларимиз эса жийдагулнинг буйларини хидламай, меваларидан баҳраманд бўлмасдан ўсишяпти...

Ривоят қилишларича, "тириклик суви" — обихаётни яратган Лукмони Ҳаким уни ичишга кўнгли бўлмай, идишдаги сувни арчанинг тагига сепиб юборган эмиш. Арча дарахтининг узоқ яшаши ва доимо ям-яшил бўлиб туриши шундан экан. Тоғларимизнинг кўрки бўлмиш арчазорлар фойдалиги жиҳатдан нақ қудук билан тенг, улар қишда қорни, ёзда намни сақлайди! Икки минг йилча умр кўрадиган "чўпон арча"ларимиз, "Лукмон дарахти" деб ном олган ёнғокзорларимиз ва "Ҳаж дарахти" дея эъзозланувчи жийдазорларимизнинг энг сара навлари афсуски йўқолиб бормоқда. Илгарилари ҳар бир қишлоқнинг ўз боғбони, ўз соҳибқори бўларди. Бугун эса "боғбон" деган атама кундалик луғатимизда оз учрайди. Ёши тўқсонни қоралаган Имомқул бобони қишлоғимиздагилар ҳали-хануз иззатлаб, "боғбон бува" дейишади. Яқинда ана шу табаррук отахон билан суҳбатлашаётим, "Боғларимизнинг камайиб кетганига нималар сабаб бўлган?" деб сўрадим.

— Бунинг сабаблари узоқ йилларга бориб тақалади, - деди у киши. - Ўша йилларда пахталар жуда кеч пишарди. Пахта терими то қиш киргунча чўзиларди. Совуқ бошланиб қолгач, кўрак ҳолида йиғиб олиниб, сўнг уй-уйларда чувиларди. Кейин қўлбола "сушилка"ларда қуридиларди. Ана шу қуригичларнинг ишлаши учун анча-мунча ўтин керак бўларди. Одамлар ўтин тополмай қолган кезларда боғлардаги совуқ урган ёки қуриган дарахтларни шарт-шурт кесиб келаверишарди. Тоғдаги дарахтни кесган киши ҳеч дашнам эшитмасди, лекин сушилка юрмай қолса-чи? Ана унда кўринг, томо-

Нега бу боғлар ўшанда одамлар манфаати йўлида сақлаб қолинмади? Халқнинг дастурхони тўкин, ўзи соғлом бўлса унинг уйига файз қиради, меҳнати унумли бўлади. Қолаверса, боғларимиз юртимизнинг "саломатлик" хазинаси, бу хазинани йўқотиш эмас, асраш, янада кўпайтириш зарур! Қаҳатчилик йилларида мевали боғлар кўплаб одамларни очлик балосидан сақлаб қолганини ҳаммамиз яхши биламиз. Эрта баҳордан то кеч кузаккача мевачева кўпгина хасталикларга даво бўлганини ҳам эшитганмиз. Аждодларимиз боғларнинг хосияти ҳақида ривоятлар, нақллар айтиб қолдиришган. "Бирни кессанг, ўрни эк!", "Узоқ яшай десанг, боғ ярат!", "Бир туп тут эксанг, юз йил гавҳар терасан!", "Яхшидан боғ қолади!" каби ҳикматлар ўз мазмун-моҳиятини йўқотмаган.

Бир пайтлар тангадек офтоб нурини ҳам ерга туширмайдиган гужумлар бўларди. Шундай гужумлар соясида ёзда бутун давра салқинланиб хузур қилар эди. Ана шу мўъжизавий дарахтни онда-сонда учратамиз. Шовуллаб турган теракзорларчи? Олимларнинг айтишича, бир гектар жойдаги теракзор минглаб тонна чангни ўзига ютиб, ҳавони ифлосликлардан асраркан! Сермева, серсоя дарахтларни кўпайтириш сирларини билладиган уста боғбону соҳибқорлар сафи камайиб бораётир. Биз уларнинг эзгу ишларини давом эттиришимиз, келгуси авлодларга улкан боғ-роғларни мерос қолдиришимиз лозим. Ҳар кўклам чоғида боғ-роғ яратиши ишига бош қўсак, ҳар биримиз ақалли бир донагина кўчат ўтказсак, асл боғбону соҳибқор ўтган аждодларимиз руҳини шод қилган бўлур эдик. Ўзимизни ана шу савобли юмушга чоғлайлик.

Ҳар гал қишлоққа борсам, ҳовлимиз яқинидаги жийдазорни, Булунғурилик бўйларидаги каттакон боғларимизни эслайман. Одамларга ризқ-рўз улашиб, қишлоқларимизга қўрқ бўлгучи сермева боғлар, шифобахш жийдазорлар қайта барпо бўлармикин? Биз шу хайрли ишни уддалаймизми? Ҳаётини эҳтиёжларимиз — ҳаво, сув ва тупроқни турли заҳарлардан тозалаш қўлимиздан келармикин? Ҳар нарсага куч-қудратимиз, ақлу салоҳиятимиз, билим ва тажрибамиз, эзгу хислатларимизни бугуннинг улкан муаммосини ҳал этиш йўлида сарфлай олармикимиз? Агар ҳар биримиз бу саволларга ўзимиздан ижобий жавоб топсак, одамнинг минг йил умр кўришига оид жумбоқ ҳам ўз-ўзидан ечилган бўларди.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

ЖИГАРГЎШАМНИ ИЗЛАЙМАН

Хурматли тахририят! Мен кўпдан бери сизнинг газетангизнинг "Сени излайман" саҳифасини диққат билан кузатиб бораман. Газета саҳифаларидаги қовушган қон-қариндошлар ҳақида берилётган мақолаларни ўқиган пайтларимда этларим жунжукиб кетади. Афсус, ушбу мактубни сизга дард билан ёзмақдаман. Тақдир пешонамга шундай ёзгуликни битган эканки, мен ҳам мана уч йилдирки ўз ўғлим — жигаргўшамдан айрилиқда яшамоқдаман.

Ўғлим Мақсуд Нуралиев 1975 йилда Беруний шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд Давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирди. Ўқиш тугагунга қадар барча таътил кунларида уйга қайтиб, оиламиз оғушида бўларди. Аммо 1997 йилда ўқишни тугатди-ю, сўнг бор уйга келганида: "Мен Берунийда ишлашни хохламайман", - дея биз билан хайрлашиб чиқиб кетди. Шу-шу ундан дарак йўқ.

Мен ҳам онаизорман. Мақсудни асраб-авайлаб катта қилгунимча, уни эл-юрт хизматиға ярагунча камолга етказишда қанчадан-қанча азиятлар чекканман. Тун-кечалар унинг келгуси тақдирини ўйлаб, бир кун келиб, хизматимга яраб, деб умид қилганман. Уч йиллик кўз ёшларим, эшик


олдида тонгга қадар ўтириб, йўлларида интизор боқишларим самарасиз қолмоқда.

Мана, йигирма саккиз йилдирки, Беруний шаҳридаги 49-ўрта мактабда физика фанидан ёшларга сабоқ бериб келмоқдаман. Ўғлим ҳам онаси касбини давом эттириб, ўрнимни босар деб умид қилгандим. Уни қандай гафлат уйқуси босганлигиға ақлим етмайди.

Қадрли тахририят ходимлари! Ушбу хатимни газетангиз саҳифаларида ёритиб, ўғлимнинг уйга қайтишиға ёрдам беришингизни сўрайман. Сиз бундай хайрли ишга бел боғлабсизки, бу ниятнинг исиз кетмаслигиға ишонаман. Ўғлимни кўрган, билганлар бўлса, у ҳақда менга хабар беришларини ўтиниб илтимос қиламан. Афсуски, Самарқанд кўчаларини сарсон-саргардон кезиб, унинг яшаш жойини аниқлай олмадим.

Интизорлик ила сиздан хушхабар кутиб қолувчи мушфиқ онаизор:

Бибиҳожар САБУРОВА
Қорақалпоғистон Республикаси,
Беруний шаҳри,
Беруний кўчаси, 138-уй, 2-хонадон



Япониялик парҳезшунос Норико Курияма одамлар қандай таомни ёқтиришиға қараб, уларнинг фазилатлари ва камчиликларини билса бўлар экан, деган фикрга келди. Унга кўра агарда сиз:

Ўштсиз овқатларни ёқтирсангиз. Сабзи, нўхот ва бошқа сабзавотларни жону дили билан истеъмол қилувчилар мақсад сари интилувчи, ҳалол ва

нинг жаҳли бурнининг учиди туради. Ҳаётда муваффақиятларга осонлик билан эришса-да, аммо уларда собитлик, тиришқоқлик етишмайди. Ишқий муносабатларда бундай эркаклар тез-тез ўзгариб туришади. Танқидни қийналиб ҳазм қилади. Гўштли таомларни хуш кўрувчилар овқат ҳазм қилиш аъзолари, қон-томир хасталикларига кўпроқ мубтало бўлади, семришга мойилдир.

Балиқхўрлар. Балиқ ва денгиз жониворларини суюб истеъмол этувчилар одатда вазмин табиятли бўлади. Улар даромадларини расамади билан сарфлайдилар. Ишқий муносабатларда ишончли. Лекин улар камдан кам ҳолатлардагина ҳис-туйғуларини ошқора намойиш этади.

Ёғли таомларни ёқтирувчилар ўзларига ўта ишонувчан. Жамоадан ажралиб қолишади. Шунга қарамай, мансаб пиллапояларидан тез сакрайди. Ундайлар санъат соҳасида тезда кўзга кўриниб қолади. Бироқ ўз фикрини тортинмай очик-

СИЗ ҚАНДАЙ ТАОМНИ ЁҚТИРАСИЗ?
шунга қараб ким эканлигингизни билса бўлади.

ориятли кишилардир. "Сабзавотхўрлар" одатда ҳар бир соҳада муваффақиятга эришадилар. Улар оғир-босиқ, "етти ўлчаб бир кесадиған", хотиржамликни ёқтирадиганлар сирасига қиради. Бундай кишилар туз ва зираворларга ҳам ружу қўйганлар. Бу эса баъзан уларнинг соғлиғига зарар етказиши.

Мевахўрлар. Улар яхши суҳбатдош. Ҳамма билан тезда тил топишади. Бироқ, баҳслашишни, мансаб пиллапояларидан сакрашни кўпам ёқтирмайдилар. Мевани ёқтирадиганлар ижодий соҳа ишчилари. Баъзан оддий муаммолар олдида ҳам эсанкираб қолишади. Севги-муҳаббат бобида тортинчоқ, уятчан. Улар билан сирлашадиган аёллар бунини унутмасликлари керак.

Қалампирхўрлар. Аччиқ таомларни ёқтирувчилар ўта зардали ва ҳис-ҳаяжонга берилувчан. Бирор иш жойида кўним топмайди. Эҳтиросли кишиларни севишга интилади. Улар ўзларини ёқтиради. Зиддиятлардан нари юради. Туз ва аччиқ зираворларни кўп истеъмол қилишлари оқибатида хасталикка чалинишлари мумкин.

Ўштхўрлар. Ўштни ёқтирувчилар



10 май — Фафур Фулом туғилган кун

Адабиётимизда ёркин из қолдирган улғу шоир Фафур Фуломнинг инсоний фазилятлари ҳақида кўп эшитганмиз. Атрофдагиларга меҳрибонлиги, содда ва меҳмондўстлиги ҳақида манбаларда ўқиганмиз. Ўқиганларимизнинг қай бирларидан ибрат, қай бирларидан сабоқ ҳам олганмиз. Лекин барибир шоирнинг шахсига, қалбига бирмунча яқинлаштирадиган суҳбатларга ўзимизда эҳтиёж сезаверамиз. Шоирнинг қизлари, таниқли адиба Олмос опа билан худди шундай эҳтиёж юзасидан суҳбат кўрдик.

— Дадам меҳр билан ҳар биримизга атаб алоҳида-алоҳида шеър ёзардилар. Биз бу шеърлардан чунонам завкланиб кетардикки! Албатта ўзимизга ишончи-

да “Янги пальтоингни нега киймадинг?” деб сўрадилар. “Мақтабга бирга қатнайди дугоналаримнинг икковининг ҳам пальтоси йўқ, мен уларнинг олдига қандай қилиб кийиб чиқаман?” дедим. Уч-тўрт кун ўтиб, дадам худди шунақа яна иккита пальто олиб келиб, дугоналаримга совға қилдилар. Шундай воқеалар кейинчалик менда ўз таъсирини қолдирган бўлса керак-да.

Олмос опа ўша кунларни худди ҳозир бошидан кечираётгандай ҳаяжонланиб сўзлар, хотиралари ўз-ўзидан куйилиб келарди. Мен бўлсам бирон гап кўшмай жимгина тинглардим. Суҳбатимиз давом этаверарди.

— Дадамнинг бир одатлари бор эди. Маошларини ёки қалам ҳаққини олса



МЕХРИ ДАРЁ ШОИР ЭДИ

миз ортарди. Дадам ҳар битта бажарган юмушимиз учун бизларни рағбатлантириб турардилар. Баҳор кезларида бирон гул кўчати кўтариб келсалар, менга: “Қани бутаник (ботаник) қизим, бу кўчатга қўлингизни бир теккизингчи, шунда яхши кўкаради” дердилар. Мен бундан ўзимда йўқ қувониб, ўша гулни астойдил парваришлагга киришардим. Дадам бизларни мажбуран эмас, завкланиб, ўз эркимиз билан меҳнат қилишимизни хоҳлардилар.

Эсимда, бир куни дадам менга иккита билакузук олиб келдилар. Тақинчоқларга ўч бўлганим учун уларни дарров тақиб олдим. Ўша пайтларда Қорасаройдаги уйимизда бир аёл яшарди. Унинг кизи мен тенги бўлиб, бизникига тез-тез келиб турарди. Бирга роса ўйнардик. Ўша куни ҳам шу дугонам келиб қолди. Қўлимдаги билакузукларни кўрди. Дадам шу қизнинг билакузукларимга ҳаваси келаётганини сездим, мени ёнига чақириб. “Билакузукларингни дугонангга бергин” дедилар. Мен бўлсам йўқ, йўқ, деганча қўлларимни орқамга яширдим. Шунда дадам секингина “Унинг отаси йўқку, унга бунақа нарсаларни ким беради? Сенга эртага бошқасини олиб келаман!” дедилар. Алланечук бўлиб кетдим. Югуриб бориб билакузукларимни унинг қўлига тақиб қўйдим...

Яна бир воқеа. Бир куни дадам менга оддийгина чий духобага ўхшаган матодан тикилган пальто олиб келдилар. Эртаси мактабга отланаётганим-

албатта хўрозқанд олиб келиб маҳалла болаларига улашардилар. Ўшанда бу нарса болалар учун нақ байрам бўлиб кетарди. Мен ҳам албатта дадамнинг ёнларида бўлардим. Бир сафар маҳалламизга янги кўчиб келган бола дадам тутқазган хўрозқандни бир-икки ялаган бўлиб, индамай қараб тураверди. “Сен нимага яламаяпсан?” деб сўрадилар дадам. У бола “Синглим касал, унга олиб бораман-да!” деб чопганича уйига кетди. Шунда дадам менга бир қараб қўйиб: “Кўрдингми, ака синглига қандай меҳрибон бўлиши керак”, дедилар.

Дадам бувимга ниҳоятда меҳрибон эди. Доимо эшиқдан “Ассалому алайкум оянон!” деб кириб келарди. Сўнг соатлаб мириқиб суҳбатлашишарди. Бувимнинг кўнгли кўтарилиб “Сиздай ўғлимнинг бориға шукр” деб дадамни алқарди. Қаранг, бувим аслида дадамнинг эмас, онамнинг оналари эканини йиллар ўтиб билганмиз. Бувимнинг иккита ўғиллари урушдан қайтмагандан сўнг бизникида яшаркан.

— Шоирнинг нимадандир ранжиган пайтлари ҳам бўлганми?

— Дадам ранжиганларини ҳеч билдирмасдилар... Бир марта шундай воқеа бўлганди. Аям икковимиз уйимиз ёнидаги магазинга чиқдик. Менга ёққан туфли қимматроқ экан. Шу туфлини жудаям олгим келувди. Шунда аям кўнглимга қараб, туфлини олиб бердилар-да “Даданг туфли қимматлигини билсалар, нега оёғи ўсаётган болага шундайини олдиларинг, дейдилар-да”,

дедилар. Кечқурун дадам келиши билан туфлимни кийиб чиқдим. “Жуда яхши экан!” деб мақтади, кейин нархини суриштирди. Мен дарровгина ярим нархини айтдим. Аям менга ҳайрон бўлиб қараб қолди. Шунда дадам ўзгачароқ оҳангда аямга қараб “Ўша магазинчи камомад бўлмасидан бурун эртагаёқ чиқиб, шунақа туфлидан яна иккитасини олиб қўйинг!?” Аям икковимизнинг дамимиз ичимизга тушиб кетди. Ахир дадамга туфли олиб беринг, деб айтгандим. Дадам ҳойнахой шу дўконга кирган, туфлини ҳам кўрган, нархиниям суриштирганларини тушундик.

Маҳалламизда бир савдогар аёл бор эди. У уйма-уй юриб нарса сотарди. Бизникига ҳам серкатнов бўлиб қолди. Бу ҳол албатта дадамни ранжитган. Кейинчалик савдогар аёл умуман келмай қўйди. Бир куни кўшни маҳаллада кўриб қолиб: “Нега биз томонларга бормай қўйдингиз?” дедим. Шунда у “Даданг айтди, аканг милицияга ишга кирибди-ку” деди. “Ҳа, шундай” дедиму ич-ичимдан дадамнинг устамонлигига қойил қолдим. Акам ҳеч қанақа милицияга ишга кирмаганди.

Олмос опа билан узоқ суҳбатлашдик. Адиба билан хайрлашиб чиқарканман, биз билган улғу шоир оилада ҳам чинакам инсон, гўзал фазилятли шахс бўлганини англаб кўнглим ғурурга тўлди.

Тамара ХУММАТОВА

БАҲОРИМ КЕЛАҚОЛ...

Баҳорим келақол сени
соғиндим,
Ёмғир шивирлаган кунни
соғиндим.
Чигирткалар чириллаган
тунни соғиндим,
Момоларим ўлан айтар
чоғни соғиндим.

Капалаклар гулларга
айтади эртақ,
Қизалоқлар сочига тақади
тол барг.
Болалар самога учирар
варрак,
Баҳорим, келақол сени
соғиндим.

Турналар самода учар
беозор,
Боғларим йиғлайди сенга
интизор.
Бол ари гинғирлаб кўшиқ
айтган пайт,
Баҳорим келақол ўз
ўрнингга қайт.

Рахшона ТОШПҮЛАТОВА,
Фаргона, Қайкубод қишлоғи

ОҶА

Соғинчларга кўмилган бағрим,
Ҳар бир кундан фурсат сўрайман.
Юмушлардан чарчаб бардошим,
Келар кундан умид излайман.

Хат ёзмабман, олмадим хабар,
Ҳол сўрмабман бир гал онамдан.
Балки йўлга қараб кун санар,

Ҳаёт ўшар худди ўзига,
Ўша менинг онам бўлади.


Бир кўзида табассум мулжам,
Бир кўзида ғамни яширган.
Гоҳо шодон, гоҳо кўнгли кам,
Ўша менинг онам бўлади.

Содда онам сочлари қиров,
Йиғлаб турар, йиғласа биров.
Сув сўрасанг чой тутар дарров,

Сен келмадинг яна бу кеча.

Бошланади такрор ва такрор,
Дунёнинг шу кутиш кунлари.
Келмас менга кутиш-ку малол,
Умр ўзи кутиш онлари.

Тун чўқади, ғафлат уйғониб,
Қабр менга тонггача хона.



ТОНГ ҚАЙТАДИ ҚУЁШНИ ОЛИБ

Сўраб юрар балким кимлардан!

Фурсат топиб олдим дегунча,
Шамолга никохлаб берибман.
Мактуб ёзиб нотаниш қизга,
Ҳис-ҳавасга қадақ тутибман.

Бетобми, соғ билмадим ҳолинг,
Тушларимда сарсон кўрибман.
Остонамда бир пас тин олгин,
Тонгда мени кутиб олурсан!

ЎША МЕНҲИТ ОНАМ

Бир аёл бор шу ер юзида,
Ўша менинг онам бўлади.

Ўша менинг онам бўлади.

Меҳмонини кафтига тутган,
Фарзанд деса жонини тиккан.
Қачонлардир қадрин унутган,
Ўша менинг онам бўлади.

ҚУШНИ ОНАМ

Хувиллайди сенсиз хона ҳам,
Гўё кўзи намланган ўксик.
Безиллайди юрак аламдан,
Тақиллашин кутибман эшик.

Кун ухлайди, ғафлат уйғониб,
Қабр менга тонггача кулба.
Тонг қайтади қуёшни олиб,

Тонг қайтади қуёшни олиб,
Келолмассан ва охир яна.

Гулим сизсиз менга бу дунё
Армон — бир кам билсангиз агар .
Ўзга сиздек бўлолмас асло,
Нетай ёлгон десангиз ҳар гал.

Осмонда ой менинг сирдошим,
Сатрларим юрак қуёшим.
Кўкимда сиз танҳо қуёшим,
Тонглар бўлиб отмадиз бир гал.

Менга дунё билганин қилсин
Севги дилда доғ бўлсин — етим!
Сиз тақдирга, мен сизга тутқун
Бегонадир, бегона қизлар.

Юрагимнинг маликасан,
Хукмдорим, севгим қироли.
Қани бир дам ёдингга тушсам,
Сув босмасди ахир дунёни!

Маҳзун бир куй бўлиб ногоҳон,
Хаёлингга юргим келади.
Олис муҳаббатим, эй ҳижрон,
Тушларингда кўргим келади.

Сен кўзимга чўмилган ҳайрат,
Эй бокира туйғулар рамзи.
Сенсиз яшаш азобдир фақат,
О, соғинчларим Маъбудаси!

Комил АЛИ

УЗА РАБОТ БМТнинг Сьерра-Леонедаги кўшинлари гаровдагиларни озод қилиш учун куч ишлатишга тайёр. Халқаро ташкилот ҳарбий миссияси раҳбари Вижай Кумар Жетли мамлакатдаги исёнчи тўдаларни шундай огоҳлантирди. Бирлашган инқилобий фронт жангарилари билан тутқундагиларни озод қилиш борасида ўтказиладиган музокара қандай яқунланиши куч ишлатиш ёки ишлатмаслик масаласига ойдинлик киритади, деди у.

БМТ маълумотига қараганда, ҳозирча мазкур исёнчи гуруҳ жангарилари томонидан йигирмадан ортиқ киши гаровда ушланиб турибди. Уларнинг кўпчилиги халқаро ташкилот хизматчиларидир.

МАНИЛА. Филиппинда фаолият кўрсатаётган айирмачи гуруҳ томонидан ўтган куни гаровга олинган юз кишининг етмиш нафари озод қилинди. Хабарларга қараганда, тутқундагиларнинг эллик нафарини жангариларнинг ўзлари қўйиб юборган. Йигирма киши эса қочиб муваффақ бўлган.

Мамлакат миллий мудофаа вазири Орландо Меркадонинг айтишича, март ойида гаровга олинган 27 нафар ўқувчи ва ўқитувчилар орасидан ҳам уч киши озод қилинган.

БЕРЛИН. Германияда собиқ Югославия бўйича мулоқот гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Буюк Британия, Россия, Франция, Италия, халқаро ташкилотлар ҳамда мезбон давлатдан вакиллар иштирок этди. Тадбирда, асосан, Косоводаги вазият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мажлис иштирокчилари ўлкада сўнгги вақтларда содир бўлаётган кўпуровчилик ҳаракатларини кескин қоралади. Косовода маҳаллий ҳокимият органларига бўладиган сайловларни ўтказиш учун шароит яратиш зарурлиги таъкидланди.

КОХИРА. Миср президенти Хусний Муборак янроқ куралига эга бўлган беш йирик давлатнинг бундай куралиларни охиригача йўқ қилиш масаласидаги қўшма баёнотини маъқуллади. Бундай ҳаракатлар Яқин Шарқда оммавий қиргин курулларидан холи ҳудуд яратиш, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга, деди у.

ХЕЛСИНКИ. Финляндияда кўплаб йўл-транспорт ҳодисаларига ҳайдовчиларнинг автомобилни бошқариш вақтида уяли телефондан фойдаланиши сабаб бўлмоқда. Бундай воқеаларнинг кўпи фожа билан тугаётди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1991-1998 йиллар оралиғида юз берган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ҳалок бўлганларнинг бир фоизи уяли телефондан бевақт фойдаланиш қурбонидир.

РИМ. Италияда табиий офатдан талофат кўрган Мозамбик иқтисодиётини тиклаш масаласига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. БМТ тараққиёт дастури ва Италия ҳукумати ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда Африка мамлакатлари ва халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. Анжуманда Мозамбикка инсонпарварлик ёрдами кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун имтиёзли қарзлар ажратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

КОБУЛ. Афғонистонда юз бераётган қурғоқчилик юз минглаб кишининг ҳаётини хавф остига қўяпти. БМТнинг ушбу давлатдаги вакили Майкл Сакеттнинг айтишича, уларга шовилинч ёрдам кўрсатилиши лозим. Акс ҳолда, вазият янада оғирлашади. Мутахассисларнинг фикрича, Афғонистоннинг жанубий вилоятларида ноябр ойи гача ёғингарчилик бўлиши даргумон.

ФРИТАУН. Сьерра-Леонеда БМТ кўшинлари билан Бирлашган инқилобий фронт жангарилари ўртасида яна тўқнашув содир бўлди. Бу сафар жангарилар халқаро кучларнинг Макени ва Магбурака шаҳарларидаги қисмларига ҳужум қилди. Хабарларга қараганда, тўқнашув на-

тижасида тинчликни сақлаш кучларидан тўрт ҳарбий ҳалок бўлган, яна шунча одам яраланган.

БРЮССЕЛ. Европа комиссияси Грецияни евро зонасига қўшишни таклиф қилди. Европа марказий банки томонидан тайёрлаган махсус маърузада таъкидланишича, Грецияда Европа валюта иттифоқига кириш учун кўплаб ижобий ишлар амалга оширилган, мамлакат бу боралаги талабларни қониқарли даражада бажарган.

Европа комиссияси вакилларининг фикрича, Грецияда ҳам 2001 йилнинг биринчи январидан бошлаб еврони муомалага киритиш мумкин. Жорий йилнинг 19-20 июн кунлари Португалияда бўладиган ЕИ саммитида ушбу масала узил-кесил ҳал қилинади.

БЕРЛИН. Германия канцлери Герхард Шрёдер Филиппин президенти билан телефон орқали мулоқотда бўлиб,



айирмачи тўдалар томонидан гаровга олинган хорижлик сайёҳларни озод қилиш масаласи юзасидан фикр алмашди. ГФР ҳукумат бошлиғи расмий Манила раҳбарини тутқундагиларни озод қилиш учун куч ишлатмасликка қақирди. Шунингдек, Г.Шрёдер жиноятчилар билан музокара ўтказишда Германия воситачилик қилиши мумкинлигини айтди.

Хабарларга қараганда, гаровда ушлаб турилган хорижликлардан уч нафари Германия фуқароларидир.

АБУ-ДАБИ. Бирлашган Араб Амирликларига (БАА) ташриф буюрган Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арафот ушбу мамлакат президенти шайх Зоид бин Султон ан-Наҳайён билан учрашди. Музокарада Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш борасида араб давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги масаласи муҳокама қилинди. Томонлар минтақада тинчликни қарор топтириш масаласида ўтказиладиган музокаралардан натижа чиқмаётганидан афсус билдирди.

БАА президенти бир неча кун илгари араб давлатларига мурожаат қилиб, ўзаро бирдамликни тиклаш ва минтақада мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масаласида олиё даражада учрашув ўтказишга қақирган эди.

ХАНОЙ. Вьетнам ҳукумати "Хюман райтс уотч" халқаро ташкилоти томонидан ушбу мамлакатда инсон ҳуқуқлари масаласи борасида билдирилган танқидий фикрларни рад этди. Бу ҳақиқатга яқин эмас, деди мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакили Тхан Тхан. Унинг айтишича, дунё ҳамжамияти Вьетнамда бугунги кунда бу борада амалга оширилётган ишларни юқори баҳоламоқда. Айниқса, яқинда эълон қилинган авфи умумийга эътибор катта бўлди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мамлакат конституцияси томонидан қафолатланган.

РИМ. Италия полицияси Сардиния оролидаги "Сан-Себастьяно" қамоқхонасининг 82 нафар ходимини ҳибсга олди. Улар орасида қамоқхона директори ҳам бор. Ҳибсга олинганларнинг барчаси маҳбусларни тақдирлаш ва хизмат вазифасини суистеъмол қилишда айбланмоқда. Уларнинг ҳибсга олиншига сўнгги пайтларда маҳбусларнинг яқинларидан келаётган шикоят хатлари кўпайгани туртки бўлди.

ЛУСАКА. Анголадаги УНИТА ташкилоти жангарилари БМТнинг инсонпарварлик ёрдами сифатида жўнатилган юкни тўхтатиб қолди. Юк автомобилларидан бирининг ҳайдовчиси эса ўлдирилди. Хабарларга қараганда, озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган тўртта юк машинасига уч юзга яқин жангари ҳужум қилган. Ҳайдовчиларнинг икки нафари яраланган. Бир ҳайдовчи эса яширинишга улгурган. Эллик тонна бу юк мамлакат жанубидаги қочқинлар лагерига етказилиши лозим эди.

ФИЛИППИНнинг Холо оролида жангарилар томонидан гаровда сақланаётганлар орасидан икки киши қўриқчилар қўзини шамғалат қилиб қочишга муваффақ бўлди. Маҳаллий радио шундай хабар тарқатди. Лекин ҳукумат вакиллари уни тасдиқламай турибди. Жангарилар эса ҳамон ўз талабларидан воз кечгани йўқ. Улар "Абу сайяф" ҳаракатига қарши ўтказиладиган ҳарбий операцияни тўхтатиш, асосий аҳолисини мусулмонлар ташкил қиладиган Филиппин жанубидаги туманларга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини бериш, пул, Филиппиннинг ўзида ва АҚШдаги қамоқхоналарда сақланаётган сафдошларини озодликка чиқаришни сўраган эди. Сўнгги хабарларга қараганда, улар гаровдагиларнинг яна тўрттасини ўлдирган.


АФҒОНИСТОНдаги "Толибон" ҳаракати расмий вакили халқаро террорчи Усама ибн Лодин ўлим тўшағида ётгани ҳақидаги хабарларни инкор этди. Лондондаги Ислом кузатув маркази томонидан тарқатилган хабарда, расмий вакилнинг номи айтилмаган ҳолда, унинг инкор сўзлари баён этилади. Хабарда ёзилишича, ибн Лодиннинг буйрағи хасталанмаган ва умуман соғлиғи аъло даражада. "У касал бўлиб ётгани йўқ, бемалол юрибди. Яхши кўрган машғулотли - чавандозлик билан шуғулланыпти. Кези келганда, Афғонистонда яшаётган арабларга чавандозликдан сабоқ беряпти", дейди расмий вакил.

МАЛАЙЗИЯда ҳақиқатан ҳам Аслан Масхадовнинг ўгли Анзор Масхадов яшайди. Лекин А.Масхадовнинг рафиқаси Кусам Масхадова Грузиядан Малайзияга келгани ё бошқа ёққа боргани - Россиянинг Куала-Лумпурдаги элчихонаси ходимлари бундан беҳабар. Ўтган куни А.Масхадовнинг рафиқаси Грузияга келган ва Президент Э.Шеварднадзга эрининг "Чеченистонда тинчлик ўрнатишга ёрдам бериш ҳақида"ги мактубини бергани. Кейин у ўли ва невараларининг ҳолидан хабар олиш учун Малайзияга боришни режалаштираётганини айтди. Айрим хабарларга қараганда, Кусам Масхадова Туркияга кетган.

ШРИ-ЛАНКА ҳукумати қарори билан мамлакатда миллий хавфсизликка таҳдид солувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатни таъқиқловчи қонун кучга кирди. Бу амалда фавқулодда ҳолат жорий қилиш билан баробардир. Яъни, армия ва полициянинг ваколатлари кенгайтирилади. Бунда прокурор рухсатномасиз ҳар қандай шубҳали одамни ҳибсга олиш, уйига тўғридан-тўғри кириб бориб тинтув ўтказиш, керак бўлганда, куч ишлатиш мумкин. Давлат маъмурияти эса хусусий мулкни мусодара қилиш, матбуот органларини ёпиш, ҳар хил намойишлар ва умуман миллий хавфсизликка таҳдид солувчи бошқа таъдбирларни таъқиқлаш ҳуқуқига эга бўлади. Мазкур қарор сўнгги пайтда таъдил айирмачилари билан бўлаётган жангларда ҳукумат кўшинларининг мағлубиятга учраётгани ва ҳозир оғир аҳволда қолгани билан изоҳланмоқда.

ҲИНДИСТОН Мудофаа вазирлиги вакиллари мамлакатнинг Жамму ва Кашмир штатидаги Покистон билан чегаралаш ҳудудларда урушдан аввал юзага келадиган вазият қарор топганини таъкидлади. Хабарларга қараганда, ўтган куни Ури ва Мачал секторлари Покистон томонидан туриб ўққа тутилган. Замбарак ўқларидан бири шу ердаги мактаблардан бирига бориб тегиши натижасида тўрт киши ҳалок бўлган ва кўплаб одамлар яраланган. Ҳиндистон бунинг учун Покистонни айблаб, артиллерия ёрдамида жавоб қайтарди. Покистон томони эса бу ҳужум натижасида тинч аҳоли орасида қурбонлар бўлганини айтиб, Ҳиндистонни айбламоқда. Бу воқеалар Каргил секторидан бўлган чегаравий низога бир йил тўлган пайтда рўй берапти. Ачинарлиси шундаки, икки мамлакат ҳарбийлари чегаралаш ҳудуддаги Вагах деган жойда учрашиб, икки томонлама муносабатлардаги кескинликни юмшатиш борасида мулоқот ҳам бошлаб қўйган эди.

УЗАДАШУВ



ЭНИГА: 1. Майизбоб узум нави. 4. АҚШдаги штат. 8. Ташкилот, муассаса, бошқарма. 9. Исо, Биби Марям ва авлиёларнинг тасвирлари. 12. Хорижий озиқ-овқат маҳсулотлари. 13. Нафас йўлининг юқори қисми. 16. Филдираксиз транспорт. 19. Ҳар қандай ишни бажариш учун кишида бўлган қатъият. 20. Оилада "янги мөҳмон" муносабати билан бериладиган зиёфат. 21. Олма гулли қўйлакбоп ҳарир газлама. 26. Янги Зеландия пойтахти. 30. Ироқдаги шаҳар. 31. Бадийий тўқима буюм. 32. Уч мушкетёрлардан бири. 33. Дунёда энг йирик молибден қони (АҚШда). 36. Ёриқ. 39. Қадимги юнон шоираси. 40. Аёллар исми. 41. Қирғизистондаги сихатгоҳ. 42. Жавоҳирларга нақш солиш санъати.

БҮЙИГА: 1. Қадимий қурол тури. 2. Қариндош. 3. Собиқ СССРнинг машҳур жосуси. 5. "Қасос ўти" ҳинд фильмида бош ролдаги ҳинд киноактрисаси. 6. Илгариги мадрасада талабаларга қўйилган паст баҳо. 7. Абдулла Қаҳҳорнинг асари. 10. Турли хил нарсалар сақланадиган бино. 11. Оёқ кийими. 14. Қадимда горизонтал

ва вертикал рамалардан иборат иргитувчи қурилма. 15. Газлама тури. 17. Уйинкулгу билан кечадиган оммавий сайил. 18. Фарбий Африкада яшайдиган халқлар. 22. Швейцария пойтахти. 23. Чўл, яйлов. 24. Африкадаги чўл. 25. Турар жой, маскан, жой. 27. Ҳабашистондаги кўл. 28. Илиб қўйиш учун хизмат қиладиган, бир учи қайрилган металл мослама. 29. Отлиқ чавандоз аёл. 34. Артиллерия тўпи стволи ўрнатилган станок. 35. Сув ҳавзаси. 37. Кунчиқар, Машрик. 38. Балиқнинг бир тури.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 29 апрель сонидан эълон қилинган бошқотирма жавоблари

1. Торт.
2. Фан.
3. Рамазон.
4. Илон.
5. Метро.
6. Куз.
7. Версачи.
8. Нози.
9. Ражапов.
10. Камалат.
11. Хусниддин.
12. Кроссворд.
13. Некалот.
14. Бокс.
15. Мезон.
16. Сезам.

— Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги жамоатчилик, ўз-ўзини бошқарув органлари, коммунал фойдаланиш хизматчилари ва бошқа жамоат вакиллари билан ҳамкорликда хусусий уйлар, хонадонлар, корхона ва ташкилотлар, ётоқхона ва меҳмонхоналарда мунтазам паспорт ҳолати бўйича

рўйхатидан ўтмасдан ўз уйини ижарага берган фуқароларга нисбатан амалда бўлган қонунчилик асосида чоралар кўрилди. Маъмурий баённома тузилиб, жарима солинди. Ўзбекистон республикасида истиқомат қилиш қоидаларини бузган чет эл фуқароларининг 10 нафари эса мамлакатимиз ҳудудидан чиқа-

тон Республикасининг бошқа вилоятларидан келган ва мақсадсиз юрган фуқаролардан бирнеча юз нафари олиб келинди. Улар раҳбарият суҳбатидан ўтгандан сўнг тушунтириш ишлари олиб борилиб, ўз яшаш жойларига юборилди, ҳамда ўша вилоят ҳокимларига

СИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШАМОҚЧИСИЗ...

текширувлар ўтказилганда, мамлакатимиз фуқаролари, МДХ ва хорижий давлатлар фуқаролари томонидан паспорт тизimini бузиш ҳоллари аниқланди, - деди "Туркистон-пресс" мухбирига туман ИИБ бошлиғи муовини Исроиил Азаматов. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси паспорт тизimini такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Бош бошқармасининг буйруқ ва кўрсатмаларини бажариш мақсадида ушбу тадбирлар амалга оширилди.

Паспорт тизimini кўпол равишда бузган турли корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари ва ноқонуний яшаётган шахслар, ички ишлар идоралари

риб юборилди.

— Юртдошимиз ҳам ўз ҳудудларидан бошқа вилоят ёки шаҳарларга уч кундан ортиқ муддатга борсалар албатта вақтинчалик қайддан ўтишлари лозим. Чунки турли вилоятлардан келган фуқароларнинг рўйхатдан ўтмасдан юришлари "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 223-моддасига асосан маълум жавобгарликни келтириб чиқаради, - деди кўшимча қилиб, хорижга чиқиш ва кириш ҳамда фуқаролик бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция майори Шоаббор Шорасулов.

— **Маъмурий жавобгарликка тортилувчиларнинг кўпчилиги тайинли бир иш билан шуғулланмовчилар бўлса керак?**

— Ҳа, албатта ИИБга Ўзбекис-

тақдимномалар жўнатилди. Ҳали ҳам бундай шахслар кўп. Шунинг учун куйидаги маълумотномани тақдим этамиз: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг барчаси Тошкент шаҳрида яшаши учун вақтинчалик рўйхатдан ўтишга рухсат берилган. Бунда фуқаро туман ИИБга ариза билан мурожаат этиши ва аризада нима сабабдан ва қандай мақсадда Тошкент шаҳрига келганлигини баён қилиши шарт. Шундан кейин туман ИИБ бошлиғининг рухсати билан керакли ҳужжатлар, паспорт ва уй эгасининг розилиги тўғрисидаги ариза олинади, - деди суҳбат сўнггида Исроиил Азаматов.

"Туркистон-пресс"

BRITISH AMERICAN
TOBACCO
UZBEKISTAN

To a graduate 2000!

*Do you want a long-term career with a leading company?
Do you want to work in a truly global environment, where
opportunities are endless?*

British American Tobacco Uzbekistan is looking for graduates with drive, ambition and determination, for open-minded young talents who can make contribution in a team-sharing knowledge and building on success.

Successful candidates will be offered a position of a management trainee in such functions as *Marketing, Finance, Information Technology* and will go through a two-year development programme.

We Challenge You programme is a unique chance to enter the world of global business with international team.

Candidates must only be the graduates of 2000 and have a good command of English.

You can take tests on **May 16th, 17th at 3 p.m.** at 2, Universitetskaya street, Tashkent State Technical University, Business Faculty (6th floor)

To find out more about **We Challenge You** programme contact Lola Davletova
120 55 55 (phone)
120 62 12 (fax)



Ю П Д У З Л А Р САМО ДАН С У З Л А Й Д И

(8 МАЙДАН-
14 МАЙГАЧА)

ҲАМАЛ. Кўпдан кутаётган янгилигингиздан сизни душанба огоҳ этади. Сешанбада сирли учрашув. Чоршанба ва жума кунлари соғлиқ-кайфиятингиз яхши эмас. Пайшанба куни муҳим ишларни ҳал қилишга имконият яратилади. Шанбада дўстлар дийдорлашуви. Яқшанба ишбилармонлар учун омадли.

САВР. Душанба куни сизни сўроқлашади. Сешанбада алданиб қолманг. Чоршанба баракали кун. Пайшанба куни сизни тақдирлашади. Жумада янгиликдан воқиф бўласиз. Шанбани оила даврасида ўтказганингиз маъқул. Яқшанбада соғлиқни авайланг.

ЖАВЗО. Бу ҳафта сиз учун омадли бошланади. Сешанба куни тузган битимларингиз ўз самарасини беради. Чоршанбада учрашувга таклиф қилишади. Пайшанба куни хурсандчилигингизни атрофдагилар билан баҳам кўринг. Жума ва шанба кунини ўзингизга бағишланг.

САРАТОН. Душанба куни асабингизни асранг. Сешанбада майда гапларга парво қилманг. Чоршанба ва пайшанбада сизни сўроқлашади. Жумада арзимаган нарса яна кайфиятингизни бузиши мумкин. Аммо шанбадаги сирли учрашув барча нохушликларни нутишингизга ёрдам беради.

АСАД. Ҳафта бошида сизни алдаб кетишлари мумкин. Сешанба самарали ижод куни. Чоршанбада бойийсиз. Пайшанба куни дўстлар даврасида бўласиз. Жумада кайфиятингиз о'кей. Шанбадан хушхабар кутинг. Яқшанбани табиат қўйнида ўтказинг.

СУНБУЛА. Душанба ва пайшанбада ҳамёнингиз қаппаяди. Сешанба куни сирли учрашув. Чоршанбада ҳамкорлар билан битимлар имзолайсиз. Жума муҳим янгиликдан огоҳ этади. Шанба харид учун қулай. Яқшанбани ўзингизга бағишланг.

МЕЗОН. Мезонларга бу ҳафта ҳар қачонгидан омадли келади. Моддий аҳволингиз сешанба куни яхшиланади. Чоршанбада ҳамкорлар учрашуви. Пайшанбада кутилмаган совға эгаси бўласиз. Жума куни сизни учрашувга таклиф этади. Шанбани оила даврасида ўтказинг. Яқшанбада муҳим янгиликдан воқиф бўласиз.

АКРАБ. Душанба унутилмас дақиқаларни ҳадя қилади. Сешанбада бойийсиз. Пайшанба ва чоршанба кунлари кайфиятингиз аъло. Жума ижодкорлар куни. Шанбада соғлигингиз ҳақида қайғуринг. Яқшанба бозорингиз бароридан келади.

КАВС. Ҳафта боши янгиликдан огоҳ этади. Сешанбада майда гапларга эътибор берманг, акс ҳолда чоршанба куни соғлигингиз панд бериши мумкин. Пайшанба ҳамёнингиз учун баракали. Жумада сизни сўроқлашади. Шанба ва яқшанба куни муҳим ишларингизни ҳал қилишга қулай фурсат яратилади.

ЖАДЙ. Душанбада асабларингиз анча толиққани сезилади. Сешанба куни ишга шўнғиб кетасиз. Чоршанбадаги ҳамкорлар учрашувидан кўнглингиз тўлади. Пайшанба ва жума кунлари соғлиқ-кайфиятингиз яхши эмас. Шанба кунини ўзингизга бағишлаб, яхшилаб дам олинг.

ДАЛВ. Ҳафта боши ҳамёнингиз учун баракали келади. Сешанба муҳим янгиликдан огоҳ этади. Чоршанбада кайфиятингиз о'кей. Муҳим ишларни пайшанба куни ҳал қилинг. Жумада ҳамёнингиз қаппаяди. Шанбада соғлигингизни ўйланг. Яқшанба кунини сеҳрли нигоҳлар оғушида ўтказасиз.

ХУТ. Душанба ва чоршанба кунлари кайфиятингиз яхши эмас. Сешанбада атрофдагиларга эътиборлироқ бўлинг. Пайшанба баракали кун. Жумада кутилмаган совғага эга бўласиз. Шанба дўстлар дийдорлашуви. Яқшанбада мириқиб дам олинг.

Газетанинг навбатдаги сони 13 майда чиқади

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Лайло КАРИМОВА

Навбатчи муҳаррир
Гулнора ХОЛБЕКОВА



Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан
фарқлиниши мумкин.